
бўлиши ва ижобий хислатларга эга бўлиши лозим. Зуҳд — инсоннинг одоб-ахлоқига зарар етказувчи ҳатти-ҳаракатлар — шароб ичиш, мансаб кетидан қувишдан тийилишидир. Қаноат — инсоннинг ортиқча ноз-неъматлар, ҳирслардан (овқатни кўп истеъмол қилиш, қимматбаҳо кийимларга ортиқча ҳавас қўйиш, ўйин-кулгу ва бекорчиликдан) юз ўгиришига ёрдам беради. Шунинг учун ўз ихтиёри билан машаққатлар чекиб бўлса ҳам, нафс доирасидан ўзини олиб қочишига, шу йўл билан дилни ғуборлардан тозалаб, руҳнинг покланишига олиб келади.



Тасаввуф таълимотининг янада ривожланишига ҳисса қўшган ватандошимиз Ҳожа Баҳоуддин Нақшбандий эса «Ҳаётнома», «Далил ал-ошиқин» каби асарларида инсонларни ҳалол ва пок бўлишга, ўз меҳнати билан кун кечиришга чақиради. Унинг «Дил ба ёру даст ба кор» («Кўнгил Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин») деган ҳикматлари нақшбандия тариқатининг моҳиятини ифодалайди. Инсон илм олиши, касб эгаллаши, бир сўз билан айтганда, шахс бўлиб шаклланиши ва жамиятда ўз ўрнини топиши учун меҳнат қилиши лозим. Инсондаги истеъдод ва барча қобилиятларни юзага чиқарувчи омил меҳнатдир. Инсон сабр ва матонат, машаққат билан заҳмат чекиб меҳнат қилсагина юксакликка эришади.

Бу икки аллома тасаввуфнинг таркидунёчилик ғоясини рад қилиб, ватанига ва халқига чексиз муҳаббатини ва садоқатини фидойиликлари ва жасоратлари билан исботлаганлар.

Шундай экан, ҳозирги глобаллашув даврида шарқона таълим-тарбия меъёрларига зид бўлган паст савияли «оммавий маданият», фаҳш, гиёҳвандлик, бузғунчиликни, зўравонликни тарғиб қилувчи маънавий таҳдидларга қарши фарзандларимизда соғлом маънавий иммунитетни шакллантиришда шарқ мутафаккирларининг мероси ҳам биз учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Зеро, муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, биз нафақат буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, айни пайтда, Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида хизмат қилишимиз, ўзимиз ҳам улар каби бу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.

Манзура БОЛТАБОЕВА

Мактублар Мактублар Мактублар

Мен «Гулистон» журналини беназир устозим, деган келади. Ик бор олис Каттақўрғондан дастлабки шеърий машқларим, мақолаларимни минг бир ҳадик билан журналга юборганман. Тез орада шеърларим журнал саҳифаларида босилиб чиқди. Ўша пайтдаги ҳурсандчилигим ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Орадан канча йиллар ўтди. То ҳанузгача журналнинг мухлиси эканимдан бахтиёрман. «Гулистон» журнали ҳамон менинг энг севимли нашрларимдан.

Ҳозирги кунда ҳам журнал саҳифаларидан ўзим учун қизиқ бўлган адабий, таҳлилий, танқидий мақолаларни марок билан ўқийман. Айниқса, кейинги пайтларда адабиётга, санъатга ҳамда адабий таржималарга кенг ўрин берилаётгани мени қувонтирди.

Эркатош ШУКУРОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Ассалому алайкум, «Гулистон» журнали таҳририяти!

Мен бу журнални коллежда ўқитувчилик қилаётган пайтларимдан буён мунтазам ўқиб келаман. Лекин бу журнални фақат шу даврда танидим дегани эмас. «Гулистон»нинг миллий маданиятимизни юксалтиришда улкан хизмати борлигини, ўтган асрнинг иккинчи ярмида қатағон қилинган асарлар журнал билан эълон қилинадиган нашр, ҳур фикрли ижодкорлар ўзаро фикр алмашадиган адабий ўчок бўлганини катта ёшли ёзувчи-шоирларнинг хотираларидан аввалдан эшитиб келардим. Биргина «Темур тузуклари»нинг журналда босилиши оддий ҳодиса эмас, тўғо ҳукумати томонидан камситилган, ёлғон-яшиққа ўралган тарихимизнинг асл қиёфасини тиклашдаги дастлабки, шу билан бирга, тарихий қадам бўлган. Қолаверса, «Гулистон»нинг таҳрир мактабида неча-неча ижодкорлар ўз қаламини чархлаган.

Энг муҳими, журналнинг ўзига хос анъаналари – миллий қадриятларга кенг ўрин бериш, бой маданиятимизнинг олмос қирраларини тарғиб этиш, қолаверса, ўзбек адабий тилининг бекиёс ифода имкониятларидан ўринли фойдаланиш ҳамон амалда экани бизни қувонтиради.

Кейинги пайтларда журналнинг ранги, безаклари чоп этилаётгани нур устига нур бўлди. Маданиятимизнинг обрўли минбари, отахон журнал бўлганидан кейин, муносиб чоп этилиши ҳам керак-да! Мавзуларнинг янада ранг-баранглашаётгани, маданий ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олишга уринилаётгани мактовга лойиқ ва бу сай-ҳаракатлар изчил давом эттирилса, биз журналхонлар миннатдор бўлар эдик.

Алишер ҚОРАЕВ,
Тошкент маданият коллежи ўқитувчиси